



19.01.2022 даги

Каракул Электр тармоклари ва Коракул туман Бандликка кумаклашиш маркази ўртасида 2499750,00 сўм  
умумий суммага тузилган 1 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб

141

Шахсий ғазна ҳисобварақ

100022860062307109120141001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4221000			
Январь	900 000,00			900 000,00
Февраль	900 000,00			900 000,00
Март	699 750,00			699 750,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>2 499 750,00</b>			<b>2 499 750,00</b>

Жами 2499750,00 сўм

Икки миллион тўрт юз тўқсон тўққиз минг етти юз эллик сўм 00  
тийин  
сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан \_\_\_\_\_ сўм ёки \_\_\_\_ % \*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_ % \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойида тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи оловчи ва БМЖ маблағи оловчи томонидан разнацилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\* ) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига 100% жорий ойнинг 30 санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи оловчи ва БМЖ маблағи оловчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун хужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

М.У.

Баракаев Умид Мамаевич

Ф.И.Ш.

(имзо)

Буюртмачи бош бухгалтери

Юсупова Мехринисо Рустамовна

Ф.И.Ш.

(имзо)

Фазнацилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

# БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

1 - сонли

Коракул шахри

(шартнома тузилган жойи)

2022 йил “19” декабрь

Коракул туман Электр тармоқлар корхонаси(кейинги ўринларда “Корхона”(энергия билан таъминловчи ташкилот номи) (деб юритилади) нинг низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари А.Хамроев бир тарафдан ва Коракул туман Ф.И.Ш.(энергия таъминоти ташкилоти раҳбарининг Ф.И.Ш.) (Энергия истеъмолчисининг номи)(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) нинг низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари У.Бараков иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуидагилар ҳақида туздилар:

## I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармоқ орқали Истеъмолчига электр энергияси (кейинги ўринларда “Энергия” деб юритилади) бериб туриш мажбуриятини, Истеъмолчи эса қабул қилинган Энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган қуввати 750кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга тенгглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр энергияси тизимининг юкламали соатларида қатнашувчи ҳақиқий максимал қувват (кейинчалик “Кувват”) учун ҳақ тўлайди.

## II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг 1- чорак шартномавий ҳажми **5555** кВт.с. ни ташкил қиласди.\*

2.2 Шартнома тузилган кунида етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи **2 499 750** сўмни, Кувватнинг нархи **450** сўмни (амалда бўлган тариф асосида) ташкил қиласди.\* Шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан **Икки миллион турт юз туксон туккиз минг етти юз эллик сўм**,

Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 0 сўм.

2.3 Корхона Истеъмолчига Энергияни (Кувватни) ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган микдорда етказиб беради.\*

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Кувват) микдори Энергияни (Кувватни) ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади (2-илова).

Ҳисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеъмолчиларнинг ҳисоб-китоб қилишига мўлжалланган Энергия ва Кувватни ҳисобга олишнинг бошқа воситалари Корхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими билан мос келиши, Истеъмолчининг ҳисобидан сотиб олиниши, давлат киёсловидан ўтиши ва ўрнатилиши, бундан кейин эса Корхона вакили томонидан рўйхатга олиниши ва тамғаланиши керак.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-иловасидаги Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг **1-чорак** минимал ҳажми **5555** кВт.с.ни ташкил қиласди.

## III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Кувват учун ҳисоб-китоб даври бир ой.

\* Изоҳ: Бюджет маблағлари бўйича йиллик ҳаражатлар сметаси тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилгунга қадар, вакътинчалик ҳаражатлар сметаларида белгиланган маблағлар доирасидаги сумма ва микдорлар кўрсатилади.

3.2 Корхона ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун актив ва реактив энергия, шунингдек Кувватнинг ҳисобга олиниши электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида амалга оширилади (3-илова)

Агар Энергияни (Кувватни) ҳисобга олиш прибори баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкадаги Энергиянинг технологик сарфининг ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли билан далолатнома тузилган ҳолда (4-илова) аниқланади ва ҳақ тўлашда ушбу электр тармоғининг баланс бўйича мансублигига қараб, Корхона ва Истеъмолчи ҳисобига ўтказилади.

3.3 Корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳар ойда энергия ва қувватнинг ҳақиқий сарфини аниқлаш учун ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади.

3.4 Истеъмолчи келгуси ҳисоб-китоб даврига у бошланишидан олдин Энергия ва Кувватнинг шартномавий ҳажми нархини 100 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга ошириши шарт.

Истеъмолчи ҳисоб-китоб даврида ҳақиқий истеъмол қилган Энергия ва Кувват учун шартнома шартларидан келиб чиқсан ҳолда ҳисоб-китоб қиласида тўлиқ тўловларни навбатдаги ой бошлангунга қадар амалга оширади.

Истеъмол қилинган Энергия ва Кувват учун Истеъмолчининг қарздорлиги, шартномада белгиланган миқдордан кўп истеъмол қилинганлиги учун жарима ва пеня мавжуд бўлса, олдиндан тўлов сифатида ўтказилган маблағлари қарздорликни тугатишга йўналтирилади ва олдиндан тўлов сифатида ҳисобга олинмайди.

3.5 Корхона ҳар ойнинг 25 санасигача Истеъмолчи билан биргаликда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олиш билан бир вақтда, ҳисоблагичларнинг тартиб рақамларини ҳамда амалда истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ҳисботни расмийлаштиради (5-илова).

Ҳисбот асосида Корхона тегишли ҳисоб-китобни амалга оширади (6-илова) ва Истеъмолчи ҳисоб-фактурани олади.

Истеъмолчидан турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта обьект мавжуд бўлган тақдирда ҳисоб-китоблар ҳар бир обьект бўйича кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

Ҳисоб-китоб асосида амалга оширилган тўловларни ҳисобга олганда Истеъмолчининг қарздорлиги аниқланса, Корхона хизмат кўрсатувчи банк орқали тўловни амалга ошириши учун акцепт билан тўлов талабномаси беради.

3.6 Истеъмолчи томонидан Энергия (Кувват) истеъмоли ҳақида ҳисбот тақдим этилмаса ёки ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ёзиб олинмаса, Корхона томонидан ҳисоб-китоблар истеъмолнинг шартномавий миқдори бўйича, кейинчалик Истеъмолчи билан бирга аниқланган ҳақиқий истеъмол қилинган Энергия учун қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда, амалга оширилади. Бунда, Корхона хизмат кўрсатувчи банкка белгиланган тартибда тўлов талабномаси ва ҳисоб-фактурани тақдим этади.

3.7 Актив ва реактив Энергия (Кувват) учун ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарори билан тасдиқланган Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги Низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Электр энергия тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

Истеъмолчиларни тегишли тариф гуруҳига мансублиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 10 августда 955-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисида низомга мувофиқ белгиланади.

3.8 Тарифлар ўзгарганида Истеъмолчи етказиб берилаётган Энергия ва Кувват учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳақ тўлаши керак.

Таърифлар ўзгарганда “Корхона” бюджетдан маблағ олувчини хабардор қилиши ва томонлар янги таърифлар бўйича қўшимча келишув тузишлари лозим. Қўшимча келишув тегишли Газначилик бўлинмасида ўрнатилганда тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, янги таърифлар бўйича ҳақ тўланади.

Бунда, Истеъмолчи тариф ошган вазиятда тўлов кунидан бошлаб кейинги 12 ойдан ошмаган муддатга олдиндан тўланган Энергия миқдорига қўшимча ҳақ тўлашдан озод этилади.

3.9 Энергия (Кувват) учун Корхона ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар Истеъмолчи томонидан Корхонанинг ҳисоб рақамига пул маблагларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.10 Агар Истеъмолчи Энергиянинг бир қисмини субистеъмолчига бир ставкали тариф бўйича етказиб берса, у Корхонага ушбу субистеъмолчиларнинг энергетика тизимининг энг катта юкламасида қатнашувчи юкламаси қийматига камайтирилган Кувват миқдори учун ҳақ тўлайди.

3.11 Реактив Энергия (Кувват)ни ўрнини тўлдириш учун чегирмалар (устамалар) битта ҳисобга олиш нуқтаси бўйича ўртacha ойлик Энергияси истеъмоли 15 минг кВт.соатдан ортиқ бўлган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, электрлаштирилган (электр энергияси билан юрадиган) темир йўл, шаҳар транспорти, қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига нисбатан амалга оширилади.

3.12 Корхона ва Истеъмолчи ҳар ойда навбатдаги ҳисоб-китоб даври бошланиши ҳолатига ўзаро солиштирув далолатномасини тузади.

3.13 Энергия (Кувват) истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг Автоматлаштирилган тизимига уланган Истеъмолчиларга Энергия (Кувват) етказиб бериш олдиндан тўланган ҳақ доирасида амалга оширилади.

3.14 Истеъмолчининг айби билан Энергия ушбу шартномада талаб этилган ҳажмдан кам истеъмол қилинса, олдиндан тўланган маблағлар қайтарилемайди ва кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.15 Ҳисобга олиш прибори Истеъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар) ҳисобга олиш приборини ишга тушириш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки Энергия бошқача усулда ўғирланган ҳолларда, биргаликда икки томонлама далолатнома расмийлаштирилади ва шу асосда Корхона Истеъмолчини электр тармогидан узиб қўйиш хукуқига эга. Далолатнома асосида ҳисобга олиш приборлари охирги марта ўзгартирилган ёки уларни улаш схемаси текширилган кундан бошлаб бутун ўтган, аммо даъво муддатидан кўп бўлмаган, давр учун электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати ва Истеъмолчининг 4-иловада қўрсатилган ишларни бўйича Энергия сарфи қайта ҳисоблаб чиқилиши шарт.

Корхона З иш куни мобайнида Истеъмолчига тўлаш учун қўшимча тўлов хужжати ёзиб беради, шунингдек хизмат қўрсатувчи банкка тўлов хужжатларини такдим қиласи.

Истеъмолчи қўшимча тўлов хужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона қўрсатилган суммани мажбурий тартибда қонун асосида ундириш чораларини қўради.

Ҳисобга олиш прибори қўрсаткичини ёзиб олиш улаш схемасини текшириш деб ҳисобланмайди.

#### **IV. ЭНЕРГИЯНИ ЧЕКЛАШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ**

4.1 Истеъмолчи томонидан Корхона билан биргаликда, Энергияни чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ягона электр энергетикаси тизимида Энергия ва Кувват танқислиги ҳолларида ягона электр энергетикаси тизимининг барқарор параллел ишланини таъминлаш, авариялар юзага келишининг олдини олиш ҳамда истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишини бартараф этиш учун чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ишлаб чиқиласи.

Узиб қўйиш жадваллари Истеъмолчи томонидан Корхона вакилларидан узиб қўйиш жадваллари жорий этилиши тўгрисидаги билдиришнома олингандан кейин дарҳол амалга киритилади.

Ушбу билдиришнома Истеъмолчи томонидан бажарилмаганда, Корхона Истеъмолчини огоҳлантиргандан кейин Энергия ва Қувват истеъмолининг белгиланган даражада камайишни таъминловчи миқдорда Энергия бўйича мажбурий равишда чеклайди.

4.2 Электр тармоғи хўжалиги объектларидағи аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирумасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда, Энергия узатишда узиб кўйиш ёки чеклашларга рухсат этилади.

4.3 Куйидаги ҳолларда Корхона Истеъмолчига Энергиянинг етказиб берилишини тўхтатиш ва узиб кўйиш оқибатлари учун жавоб бермаслик хуқуқига эга:

а) Энергия (Қувват) шартномавий миқдордан қўп сарфланганида ёки Энергия (Қувват) истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;

б) электр таъминоти шартномасини тузмасдан Энергия истеъмол қилинганда;

в) “Ўстандарт” агентлиги томонидан қиёслашдан ўтказилган Энергияни ҳисобга олиш приборлари бўлмаганда;

г) Энергия (Қувват) учун шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлов тўланмаганда;

д) Корхона тармоқларига электр қабул қилгичлар ўзбошимчалик билан уланганда ёки Қувват шартномада белгиланган миқдордан ошириб юборилганда;

е) электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборларидан ташқари уланганда ёки Энергияни ҳисобга олиш схемаси бузилганда, шу жумладан ҳисобга олиш приборларининг ва ўлчаш трансформаторларининг пломбалари бузилганда;

ж) Корхона вакили ҳисобга олиш приборларини кўришга кўйилмаганда.

4.4 Электр манбаидан узиб кўйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келадиган, ўта хавфли ва узлуксиз технологик жараёнли (махсус тартибда Энергия етказиб бериладиган корхоналар рўйхатига киритилганлар) саноат корхоналарида қарздорлик пайдо бўлган тақдирда ҳақ тўланмаганлиги учун Энергия етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибда, электр таъминотининг технологик ва авария бронигача, тўлиқ узиб кўйиш эса – факат суд қарорига кўра амалга оширилади.

4.5 Барча юқорида кўрсатиб ўтилган вазиятларда ягона электр энергетика тизими электр тармоқларига қайта улаш ва Энергия етказиб берилишини тиклаш ишлари Истеъмолчи томонидан шу билан боғлиқ харажатлар қопланганидан кейин навбат билан амалга оширилади.

## V. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Истеъмолчининг хуқуқлари:

а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;

б) Энергияни электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган миқдорда етказиб беришни талаб қилиш;

в) электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергиянинг сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада сақлашни талаб қилиш;

г) Корхонанинг электр тармоғи хўжалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида узиб кўйишгача камида 3 сутка олдин огоҳлантиришни талаб қилиш;

д) Энергиянинг тегишли миқдори учун олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда Энергиянинг шартномавий миқдорини ўзгартиришни талаб қилиш;

е) Олдиндан ҳақ тўланганлигидан қатъий назар Энергиянинг шартномавий ҳажмини камайтириш томонига ўзгартиришни талаб қилиш.

Бундай талабномалар назарда тутилаётган ўзгартиришлардан (жорий ой тугашидан) 10 кундан кечикмай берилиши лозим.

5.2 Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

- б) келгуси ҳисоб-китоб ойи учун Энергия (Кувват) ҳажмига шартномада белгиланган муддатда ҳақ тұлаш;
- в) Электр қурилмаларини зарур техник ҳолатини ва Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда Хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя килиниши ҳамда Энергиядан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;
- г) 7-иловага мувофиқ компенсация қурилмалари иш режимига (реактив энергия ва қувват истеъмоли) риоя қилиш;
- д) энергетика тизимининг энг катта юкламали соатларида талаб этилган Кувватдан ошмаслик.

Истеъмолчи Корхонанинг талабига күра қуйидагиларни ҳисобга олиши ва хабар қилиши шарт:

- истеъмол қилинаётган Энергиянинг (Кувватнинг) суткалик, ойлик сарфлари ва ҳақиқий миқдорини;
- ягона электр энергетика тизимининг энг күп ва энг кам юкламали даврида реактив энергиянинг (куватнинг) ҳар сүм ар суткали сарфи;
- ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламасининг ўтиш даврида Энергиянинг (Кувватнинг) ҳар 30 дақықадаги сарфи.

### 5.3 Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) шартномада белгиланган тартибда ва керакли ҳажмда шартнома мажбуриятлари бажарилишини талаб қилиш;
- б) ҳисоб-китоб даврининг ҳар қайси кунига ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирув далолатномасини тузиш.

### 5.4 Корхонанинг мажбуриятлари:

- а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;
- б) Энергияни шартномада белгиланган ҳажмда электр тармоқларининг баланс мансублиги чегарасигача узлуксиз етказиб бериш;

в) Истеъмолчиларга Энергияни етказиб беришнинг тұхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тұғрисида маълум қилиш;

г) жорий этиладиган чеклашлар ҳақида, чеклашнинг ҳажми ва вақтини күрсатған ҳолда, ўз вақтида хабар қилиш;

д) Истеъмолчиларнинг Энергия керакли миқдорда етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар ҳақида аризаларини олинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмасдан күриб чиқиши, уларни бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориши;

е) Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилген таклифларига мувофиқ 5 кун муддатда ойлик шартномавий миқдорға ўзгартыришлар киритиши, Энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини күпайтириш (камайтириш), имконияти бўлмаган тақдирда эса бу тұғрисида Истеъмолчига рад этишнинг сабабини күрсатған ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши.

## VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ФОРС-МАЖОР

6.1 Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида етказилған ҳақиқий заарар айбдор тараф томонидан иккинчи тарафға тұланиши шарт.

6.2 Энергияни етказиб бериш муддатлари үтказиб юборилса ёки Энергия шартнома миқдорининг 5 фоизидан ортиқ миқдорда етказиб берилмаса, Корхона ҳар бир муддати үтказиб юборилған кун учун Истеъмолчига бажарилмаган мажбуриятлари суммасининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тұлайды, лекин пеняның умумий суммаси етказиб берилмаган Энергия нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тұланиши Корхонани шартнома шартларини керакли ҳажмда бажарышдан ва етказиб бериш муддатининг узайтирилиши ёки Энергиянинг керакли ҳажмда етказиб берилмаслиги натижасида етказилған заарни қоплашдан озод этмайды.

6.3 Етказиб берилған Энергия учун ўз вақтида ҳақ тұламаса, Истеъмолчи Корхонага муддати үтказиб юборилған ҳар бир кун учун тұлов суммасининг 0,1 фоизи (Энергия маҳсус тартибда етказиб берилувчи корхоналар учун 0,2 фоиз) миқдорида

пеня тұлайды. Бунда, пенянинг умумий суммаси муддати үтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня ҳисоб-китоб давридан кейинги ойнинг тугаганидан кейин бошлаб ҳисобланади.

6.4 Истеъмолчи ҳисобот даврида шартномада кўрсатилган миқдорга нисбатан 5 фоиздан ортиқ Энергия истеъмол қилганда, ҳисоб-китоб даври учун шартномада кўрсатилгандан ортиқ истеъмол қилинган жами ҳажм учун белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорида Корхона фойдасига жарима тұлайды (6.5-банда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6.5 Ушбу шартномада белгиланган Энергиянинг тегишли ҳажми учун олдиндан тұловни амалга ошириш шарти билан Истеъмолчининг таклифи бўйича ҳисоб-китоб даври тугашидан 10 кун олдиндан кечиктирмасдан Энергиянинг шартномавий ҳажмларига киритилган ўзгартиришлар шартномада белгиланган ҳажмдан кўп истеъмолга кирмайди.

6.6 Корхона:

а) Истеъмолчи Энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, Энергия истеъмоли ёки Қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйган, Корхонаси томонидан белгиланган Энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли Энергия етказиб берилганини учун;

б) захира манбанин автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлап вақтида Энергияни етказиб беришдаги танаффуслар учун Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

6.7 Истеъмолчининг ягона электр энергетика тизимининг энг катта кучланишли соатларида амалдаги юкламаси шартномада назарда тутилган кўрсаткичдан 5 фоиздан ортиқ бўлган тақдирда, ҳисоб-китоб даврининг охирида амалдаги юкламанинг ортиқча бутун қисми учун қайта ҳисоб-китоб қилинади ва белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ ундирилади.

Қўшимча Қувватга ҳақ тұланиши келгусида ҳар бир аниқ вазият учун Корхонадан тегишли рухсат олмасдан ушбу шартномада талаб этилганидан ортиқ Қувватдан фойдаланиш хукуқини бермайди.

6.8 Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, курғоқчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

## VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

7.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Фазначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради)

7.2 Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.3 Шартнома бир йил муддатга тузилади. Шартномани амал қилиш муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳакида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган ҳисобланади. Бундай ариза шартнома амал қилиш муддатининг охирги ойи мобайнida тақдим қилиниши лозим.

Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин. (Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2016 йил 22.декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2850-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси Қоидалари”га асосан амал қилиш муддати “31” декабрь 2019 йилгача белгиланади).

7.4 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга факат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

7.5 Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил

22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

7.6. Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиқсан тақдирда, тарафлар, коидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал килинмаган низолар қонунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибида ҳал қилинади.

### VIII. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари.

#### «Корхона»

Коракул туман Электр тармоқлар  
корхонаси


(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

Манзил: \_\_\_\_\_

Тел./факс 56-51-3-32

(х/в ёки шрх): 22636000600487303323

Банк номи Бухоро шахар Саноат курилиш банк  
МФО:00086 СТИР: 201188400 ИФУТ:11170



А.Хамроев

(лавозими) (Ф.И.О.)

(имзо)  
M.Y.

#### «Истеъмолчи»

Узакул Турсун Абдур

(буортмачи номи)

Манзил: Узбек № 33-Чи

Тел./факс 56-53-9-50

шрх\* 1000 228 600 6230 7109120141001

Ташкилотнинг СТИРи 200 878 319

ИФУТ \_\_\_\_\_

Газначидик бўлинмасининг номи

Узбек Рес. Мол. Ваз. 242-24

ЯРХ 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шахар Бош  
бошкармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)

МФО:00014 Газначидик бўлинмасининг  
СТИРи 200 878 319

Буортмачи раҳбари М. Бароков  
(лавозими) (Ф.И.О.)



(имзо)  
М.Ү.

Хукуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

Б.Р. Улонов

2022 йил «18 январь даги 1-сонли  
Энергия таъминоти шартномасига  
1-илова

**ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН ЭНЕРГИЯ (КУВВАТ) НИНГ МИҚДОРИ**

Тариф гурухи 4

Истеъмолчининг электр курилмаларини уланган куввати кВА,(кВт)

	Электр куввати кВт	Электр энергияси миқдори, Минг кВт.с	Шу жуладан тариф гурухлари бўйича			
Йил,Жами		5555				
1-чорак		5555				
Январ		2000				
Феврал		2000				
Март		1555				
2-чорак						
Апрел						
Май						
Июн						
3-чорак						
Июл						
Август						
Сентябр						
4-чорак						
Октябр						
Ноябр						
Декабр						

ИМЗОЛАР:

